МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аймухамедова Амина Какажановна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Иқтисодий билим асослари кафедраси катта ўқитувчиси
Ўзбекистон, 100070, Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 27- уй
E-mail: aymukhammedovaa@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари ёритилган, ички инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш услубиёти келтирилган, капитал самарадорлиги таҳлил қилинган ва ички инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *инвестициялар, ички инвестициялар, акселератор модели, капиталга чекланган мойиллик, капитал самарадорлиги, ички инвестициялардан самарали фойдаланиш.*

Аннотация: *В статье освещаются научные основы эффективного использования внутреннего инвестиционного потенциала в национальной экономике, дается методология оценки использования внутренних инвестиций, анализируется эффективность капитала и даются рекомендации по эффективному использованию внутренних инвестиций.*

Ключевые слова: *инвестиции, внутренние инвестиции, модель акселератора, предельная склонность к капиталу, эффективность использования капитала, эффективное использование внутренних инвестиций.*

Abstract: *This article highlights the scientific foundations for the effective use of domestic investment potential in the national economy, provides a methodology for assessing the use of domestic investment, analyzes the efficiency of capital and gives recommendations for the effective use of domestic investment.*

Key words: *Investments, domestic investments, accelerator model, marginal propensity to capital, capital efficiency, efficient use of domestic investment.*

Кириш

Инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг зарур шарти ва манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва минтақавий инвестицион дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, иқтисодиётда инвестиция ҳажми йилдан йилга сезиларли даражада ўсиб боришига ҳамда миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортиши орқали ижобий натижалар беришга имкон яратмоқда. Мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев таъбирлари билан айтганда “Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1

миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларни ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди” [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Миллий иқтисодиётга киритиладиган инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари мамлакатимиздаги ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Д.К. Ахмедов инвестицияларнинг мамлакатимизга фаол жалб қилишни таъминлашда малакали кадрларнинг мавжудлиги, таҳлил учун маълумотларнинг етарлилиги, хокимият органларининг инвестицияларни жалб қилишдаги манфаатдорлиги ошиши, ташқи савдо эркинлиги, хомашё таъминотининг яхшиланиши каби энг муҳим омилларни келтириб ўтган [2].

А.А. Содиқовнинг фикрига кўра минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган инвестицион фаоллигининг ролини алоҳида аҳамитяга эга [3].

Россиялик олим А. Дамодараннинг фикрига кўра миллий иқтисодиётга инвестиция киритиш бўйича илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси кўрсатадики, ишлаб чиқаришни “оғир” технологик линиялар билан эмас, балки қисқа ва тез янгиланадиган, бозор талабларини тез ўзлаштира оладиган “эгилувчан” ишлаб чиқариш линиялари билан қуроллантириш устувор йўналиш бўлиб бормоқда. Инвестициялар йирик саноат марказлари бўлган шаҳарларда эмас, балки фойдаланиладиган хом ашё ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларга йўналтирилмоқда [4].

В.А.Харитонов ва А.О.Алексеевлар миллий иқтисодиёт муваффақиятли ривожланишининг шарти сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция ва инновациялар соҳасида келишилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлаши зарурлигини қайд этади [5].

Г.И. Ивановнинг эътирофига кўра мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юқори ва табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудларига инвестиция киритилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиради ва улар ҳудудларни барқарор ривожлантириш имкониятини беради. Бундай сиёсат юритиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи-назардан самарали ҳисобланади. Шундай экан ҳудудлар учун асосий вазифа ўзларининг инвестиция киритилиш имкониятларини ошириш, бу борада мавжуд ички салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобланади [6].

Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ички инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади [7].

Руминиялик олимлар мамлакат миллий иқтисодиётига кирган хорижий компаниялар инвестиция стратегияларида минтақавий хусусиятларни инобатга олишини асослаб берганлар. Уларни тадқиқотига кўра инвесторлар Руминия ҳудудларини 2 та алоҳида иқтисодий минтақа сифатида кўради. Бунда биринчи минтақада инвестицияларни жалб қилишда муҳим омиллар сифатида янги бозорларнинг мавжудлиги, малакали ишчи кучи ва инфратузилма имкониятлари келтирилган. Иккинчи минтақа инвесторларни ўзининг арзон нархларга эгалиги билан қизиқтирган [8].

Бизнинг фикримизча, ички инвестиция салоҳияти мамлакатдаги аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан иборат бўлиб, давлат бу

маблағларни иқтисодиётга инвестиция сифатида киритиш жараёнларини рағбатлантирувчи тизим ишлаб чиқиши ва уни амалда қўллаш орқали иқтисодиётга киритиладиган ички инвестициялар ҳажмини ошириши лозим.

Тадқиқот методологияси

Миллий иқтисодиётга киритиладиган ички инвестициялар ҳажмини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тескари боғлиқликни инобатга олсак, кутилаётган соф фойда нормаси динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Агар кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради:

I = f(Y), яъни инвестициялар (I) ЯИМ (Y)нинг функцияси ҳисобланади.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши қуйидагича бўлади [9]:

$$I = I_{\text{режа}} + \gamma Y \qquad (1)$$

бунда:

$$\gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_{t-Y_{t-1}}} \qquad (2)$$

$I_{\text{режа}}$ – режалаштирилган инвестициялар; Y – ЯИМ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = e - dR - \gamma Y \qquad (2)$$

бунда:

γ - акселератор

R – реал фоиз ставкаси;

e – фоиз ставкаси 0 га тенг тўлгандаги инвестиция харажатларининг максимал ҳажми. У ташқи иқтисодий омиллар, ресурс имкониятлари, ер, фойдали қазилма бойликлари ва бошқалар билан белгиланади;

d – инвестицияларнинг реал фоиз ставкаси динамикаси ўзгаришга таъсирчанлигини миқдорий белгиловчи эмпирик коэффициент.

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади. ЯИМ ҳажми пасайиб кетганда эса, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция харажатлари пасайиб кетади.

Аммо ЯММнинг даврий тебранишлари, инновацияларни доим ҳам бир текисда бўлмаслиги, ускуналарни узоқ муддат хизмат қилиши, иқтисодий кутишдаги хавфлар туфайли инвестициялар ҳажми барқарор бўлмайди.

Миллий иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг ўрнини фақат инвестицион самарадорлик кўрсаткичлари билан баҳолаш қийин. Қолаверса, капитал қайтимининг ўзгарувчанлик хусусиятга эгалигидан келиб чиқиб, олдинги йилга нисбаттан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан қўшимча киритилган инвестиция ҳажми ўртасидаги алоқадорликни таҳлил қилиш натижаларни янада аниқлаштиради. Бу учун назариядан маълум бўлган капиталга чекланган мойиллик (MPK) моделидан фойдаландик.

Маълумки, капиталга чекланган мойиллик деганда қўшимча капитал киритиш натижасида қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш тушунилади ва у қуйидаги формула орқали ифодаланилади[10].

$$MPK = \frac{\Delta Q}{\Delta K} \quad (4)$$

Бунда: $MPK -$ капиталга чекланган мойиллик ёки капитал самарадорлиги;
$\Delta Q -$ қўшимча бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, млн.сўм;
$\Delta K -$ қўшимча киритилган капитал ҳажми, млн.сўм.

Капиталга чекланган мойиллик ўз хусусиятига кўра ишлаб чиқаришнинг барча омиллари ўзгармаган шароитда қўшимча капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг аввал ўсишига, маълум нуқтага етгандан сўнг камайишига олиб келади.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудлардаги маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, аввало, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омили инвестициялар бўлиб, Республика ҳудудларига киритилган инвестициялар таҳлили 1 -жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Республика ҳудудларига киритилган инвестициялар ҳажми
(жорий нархларда, млрд. сўм)[1]

	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ўзбекистон Республикаси	**44810,4**	**51232,0**	**72155,2**	**124231,3**	**189924,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	6021,2	3778,3	2822,0	6757,8	8434,6
Андижон вилояти	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9	8183,7
Бухоро вилояти	4075,9	5922,9	11613,4	9610,9	9867,0
Жиззах вилояти	1304,9	1449,7	1788,2	3606,3	7919,3
Қашқадарё вилояти	5894,7	7304,4	11175,3	16518,5	23525,3
Навоий вилояти	1809,1	2963,2	3977,9	10579,5	17775,3
Наманган вилояти	2227,5	2824,5	3586,7	8158,1	12187,0
Самарқанд вилояти	3237,2	3623,5	4384,2	7061,4	9798,6
Сурхандарё вилояти	1843,6	2142,4	3551,0	7240,6	12232,4
Сирдарё вилояти	1083,3	1322,9	1628,0	2699,3	6129,2
Тошкент вилояти	4428,1	4238,7	5938,4	11226,9	16935,1
Фарғона вилояти	2542,3	2643,6	2954,5	5539,1	9164,2
Хоразм вилояти	1531,5	1560,5	2175,9	3013,8	5566,8
Тошкент шаҳри	6854,6	9268,9	13573,7	26435,7	41497,9

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда мамлакатимизга жами 189924,3 млрд. сўмлик инвестициялар киритилган. Иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг энг катта улуши Тошкент шаҳри (41497,9 млрд. сўм), Қашқадарё вилояти (23525,3 млрд. сўм), Навоий вилояти (17775,3 млрд. сўм), Тошкент вилояти (16935,1 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келган ва бу борада барча минтақаларда ўсиш кузатилган.

Молиявий манбалари бўйича киритилган инвестицияларнинг таркиби таҳлил қилинганда корхона ва аҳолининг маблағлари 2015 йилда 56,2 фоизни ташкил этган

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. https://stat.uz.

бўлса, 2019 йилда 29,3 фоизни ташкил этди ва қарийб икки баробарга камайди. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда кейинги йилларда хорижий инвестицяларни киритиш жараёнлари рағбатлантирилиши ҳисобланади. Демак, мамлакатимизда ички инвестициялар киритишга ҳам қулайликларни ошириш ва жами киритилган инвестициялар таркибида аҳоли ва корхоналар маблағларининг улушини ошириш лозим.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида 2015 ва 2019 йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида капитал самарадорлиги кўрсаткичини 2-жадвалда таҳлил қилдик.

2-жадвал

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида капитал самарадорлиги кўрсаткичи таҳлили[2]

Кўрсаткичлар	2015 йил			2019 йил		
	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар
Маҳсулот ҳажми, млн.сўм (*Q*)	97598,2	103302,0	78530,4	322535,8	224265,9	190356,0
Асосий капиталга инвестициялар, млн.сўм (*K*)	34548,8	3360,8	6900,8	149723,6	15677,8	30571,9
Маҳсулот ҳажмининг ўзгариши, млн.сўм (Δ*Q*)	13866,6	18200,3	10498,3	87195,1	29170,3	39466,2
Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзгариши, млн.сўм (Δ*K*)	5410,7	612,6	1140,9	54438,2	5987,8	11316,0
Капитал самарадорлиги, (*MPK*)	2,56	29,71	9,20	1,60	4,87	3,48

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида капитал самарадорлиги кўрсаткичи нисбатан юқори бўлган, бунинг сабаби асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажмининг ўсиши маҳсулот ҳажми ўсишидан анча паст бўлган. 2019 йилда капитал самарадорлиги кўрсаткичи нисбатан пастроқ бўлан, яъни барча тармоқларда маҳсулот ҳажми ўсиб боришига мос равишда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳам ошиб борган.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш аввало ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясининг пухта ишлаб чиқилишини талаб этади.

Бизнинг фикримзча инвестицияларни ички молиялаштириш манбалари ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш асосида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини кенгайтириш ва банк тизимида бозор механизмларини тўлақонли ишлатиш орқали кредитлар самарасини ошириш;

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

- аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда молия бозори замонавий инструментларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш ва бошқалар.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизмини замонавий бозор инструментларидан фойдаланишни жорий этиш орқали такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилишда инвестиция агентликлари, инжиниринг компаниялари каби бозор механизми институтларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали давлатнинг инвестицияларни жалб қилишдаги масъулиятини хусусий секторга ўтказиб бориш;

- ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хомашёни иккиламчи ва учламчи қайта ишлаш, меҳнат сиғимли ва илмталаб тармоқларини ривожлантиришга мавжуд истиқболли заҳиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиб инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Юқоридаги каби тадбирлар амалга оширилса, миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланилади ва иқтисодиётга киритилаётган ички инвестициялар ҳажми ўсишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

2. Ахмедов Д.К. Бизнес - настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение №5(221), 2018 г.- с.80-84.

3. Садиков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198.

4. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер.с англ.- 4-е изд.-М.: "Альпина Бизнес Букс",2007. С. 467.

5. Харитонов В.А., Алексеев А.О. Концепция субъектно-ориентированного управления в социальных и экономических системах// Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 1-17.

6. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия Учебники, учебные пособия, Ростов н/Д: "Феникс", 2012. С.24-25.

7. Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.

8. Danciu Aniela Raluca, Strat Vasile Alecsandru, Main determinants of Foreign Direct Investments in Romania - A quantitative view of the regional characteristics involved in the investment strategies of foreign companies // Procedia - Social and Behavioral Sciences 58 (2012) 1193 – 1203.

9. Агапова Т.А., Серегина С,Ф. Макроэкономика. М.:"Дело и сервис", 2011. С.98.

10. Грегори Н. Мэнкью "Принципы макроэкономики" Санкт-Петербург «Питер»-2010. С. 251.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. https://stat.uz